

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 327-ҳадис

327 - **Абу Толҳа** Мадинада ансорларнинг хурмоси энг кўпи эди. Молларининг унга энг суюклиси эса **Байруҳо** бўлиб, у масжиднинг рўпарасида эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга кирар ва ундаги ширин сувдан ичар эдилар. Ушбу **«Ўзингиз яхши кўрган нарсадан нафақа қилмагунингизча яхшиликка эриша олмассиз»** ояти нозил бўлганида Абу Толҳа туриб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига борди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ табарока ва таоло: **«Ўзингиз яхши кўрган нарсадан нафақа қилмагунингизча яхшиликка эриша олмассиз»**, демоқда. Менинг учун молларимнинг энг суюклиси Байруҳодир. У Аллоҳ учун садақа бўлсин. Аллоҳнинг ҳузурида унинг яхшилигини ва заҳира бўлишини умид қиламан. Эй Аллоҳнинг Расули, уни Аллоҳ сизга кўрсатган жойга ишлатинг!» деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жуда зўр! Мана шу фойдали молдир! Мана шу фойдали молдир! Мен айтганингни эшитдим. Менга қолса, уни қариндошларингга (садақа) қил»**, дедилар. Абу Толҳа: «Шундай қиламан, эй Аллоҳнинг Расули», деди. Кейин Абу Толҳа уни қариндошлари ва амакиваччалари ўртасида тақсим қилиб берди».

[304]. «Абу Толҳа Мадинада ансорларнинг хурмоси энг кўпи эди» [304].

### 1. 32 Анасдан розияллоҳу анху ривоят қилинади.

«Абу Толҳа Мадинада ансорларнинг хурмоси энг кўпи эди. Молларининг унга энг суюклиси эса Байруҳо бўлиб, у масжиднинг рўпарасида эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга кирар ва ундаги ширин сувдан ичар эдилар. Ушбу **«Ўзингиз яхши кўрган нарсадан нафақа қилмагунингизча яхшиликка эриша олмассиз»** ояти нозил бўлганида Абу Толҳа туриб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига борди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ табарока ва таоло: **«Ўзингиз яхши кўрган нарсадан нафақа қилмагунингизча яхшиликка эриша олмассиз»**, демоқда. Менинг учун молларимнинг энг суюклиси Байруҳодир. У Аллоҳ учун садақа бўлсин. Аллоҳнинг ҳузурида унинг яхшилигини ва заҳира бўлишини умид қиламан. Эй Аллоҳнинг Расули, уни Аллоҳ сизга кўрсатган жойга ишлатинг!» деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жуда зўр! Мана шу фойдали молдир! Мана шу фойдали молдир! Мен айтганингни эшитдим. Менга қолса, уни қариндошларингга (садақа) қил»**, дедилар. Абу Толҳа: «Шундай қиламан, эй Аллоҳнинг Расули», деди. Кейин Абу Толҳа уни қариндошлари ва амакиваччалари ўртасида тақсим қилиб берди».

*Муттафақун алайҳ.*

Ушбу ҳадис 304-рақамли ҳадис билан бир хил. Унинг шарҳи ҳам 304 рақами остидаги ҳадисда келтирилган.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI